

## **Сув хўжалиги тизимида 2016 йилнинг биринчи ярмида амалга оширилган тадбирлар хақида маълумот**

Жорий йилнинг биринчи ярмида республика сув хўжалиги тизимидағи ташкилотлар томонидан сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сув ресурсларининг давлат бошқарувини амалга ошириш ва сувдан фойдаланишининг бозор принципларини жорий этиш, давлат сув хўжалиги тизимининг замонавийлаштирилишини таъминлаш, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан:

### **сув ресурсларидан фойдаланишда.**

Хисобот даврида олинган сув билан 7714 минг гектар майдонда сугориш ишлари олиб борилди. Шу жумладан 2826 минг гектар ғалла ва 1722 минг гектар ғўза майдонлари сугорилди.

Сув ресурсларидан оқилона ва мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган камчиликлар, яъни ирригация тизимларидан сув олиш қоидаларининг бузилиши, сувдан хўжасизларча фойдаланиш, сув хўжалиги объектларидан олинадиган сув миқдорининг ҳисобини юритиш қоидаларига амал қиласлик бўйича аниқланган ҳолатлар юзасидан айборларга нисбатан қонун доирасида белгиланган чоралар кўрилди. Жумладан, мавсум давомида сув ва сувдан фойдаланиш борасидаги қонун-қоидаларни бузган айбор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси асосида 1396 ҳолат юзасидан тузилган баённомалар асосида 293,9 млн сўм миқдорида жарима расмийлаштирилди.

### **ирригация тадбирларида.**

вазирлик тизимидағи эксплуатация ташкилотлари томонидан 2675,3 км узунликдаги хўжаликларро сугориш тармоқлари тозаланди ва бунга 223 та экскаватор ва бошқа машина-механизмлар жалб қилинди. Шунингдек 2749 дона гидротехник иншоотлар ҳамда 2415 дона гидропостлар таъмирланди.

Сув истеъмолчилари уюшмалари ва фермер хўжаликларининг 58094,3 км масофадаги хўжалик ички сугориш ариқлари механизмда ва қўл кучи ёрдамида тозаланди, 8224 дона гидротехник иншоотлар ҳамда 10310 дона гидропостлар таъмирланди ва 15374 дона сув олиш қулоқлари жиҳозланди.

### **ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларида.**

Кишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш мақсадида 2016 йилда Давлат дастури доирасида амалга ошириладиган мелиоратив тадбирлар учун жами 422,0 млрд сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Хисобот даврида дастур доирасида умумий узунлиги 501,4 километрлик очик ва 137,2 км ёпиқ коллектор-дренаж тармоқлари, 80 дона вертикал дренаж қудуғи, 432 дона кузатув қудуғи, 12 дона гидротехник иншоот ва бошқа мелиоратив объектларда реконструкция қилиш

ва қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами 99,0 млрд сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

Давлат дастури доирасида жорий йилда 35 млрд сўмлик, жами 140 дона мелиоратив техника ва ускуналар харид қилиш белгиланган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу мақсадлар учун **22,4** млрд сўм маблағ “Ўзмелиомашлизинг” ДЛКга ўтказиб берилган.

#### **сув истеъмолчилари уюшмалари фаолиятида.**

Ҳисобот даврида республикамизда **1503** та сув истеъмолчилари уюшмалари томонидан умумий майдони 3,7 млн гектар бўлган сув истеъмолчиларига, жумладан, фермер хўжаликларига 26,1 млрд сўмлик сув хўжалиги хизматлари кўрсатилди.

#### **Насос станцияларини таъмирлаш ва энергетика таъминотида.**

тизимдаги Насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари томонидан 1428 дона (режага нисбатан 101,7%) насос агрегатлари, 896 дона (102,5%) суғориш қудуқлари, 1049 дона (107,0%) ички хўжалик насос агрегатларини таъмирланди.

Вазирлик тасарруфидаги сув хўжалиги ташкилотларига 2016 йилнинг I ярим йиллиги учун белгиланган лимит 3895,85 млн квт.соат бўлиб, амалда 3789,68 млн квт.соат электроэнергия сарфланиб, 106,16 млн квт.соат электроэнергия тежалди.

**Ахборот хизмати**